

18-ЙИЛ ЧИҚИШИ.

№ 182 (4388).

17
СЕНТЯБРЬ

Ж У М А

1971 ЯИЛ

Баҳоси 2 тийин.

пердан «оқ олтин» хирмони кутариш ниятида бўлган М. Фармузов бошлиқ бу бригада ишчиларидан А. Алиева, П. Агалиева, М. Юсупфоева, М. Жасимова ўртоклар кунига 115—120 килограмдан пахта теришмоқда. Уларнинг ҳар бири маъсумда 10—12 тоннадан пахта териш мажбуриятини олишган

А. ҚОДИРОВ.

насининг, оммавий, ишлаб
қилиш пропагандаси қўи
форнинг имкониятларидан сў
даланилмоқда. Лекизи ва сў
ларда, мақола ва брошюралар
мабод-ийий кинофильм ва
е қилинадиган кинофильм
лар, техника ва илгор тақри
мабод-ийий кинофильм ва
ал аҳамияти қўлича чуқур
латиб берилаётди. Бу ҳол
қа бўлган иштиёқни пайсати
ана шу ютуқларин ишлаб
ришга жорий қилишни сўсай
ди.

Ҳуторсий таълимга етарлич
берилалик бошқариш ва ҳў
қилиш юртиш даражасига, хў
ийи ишлаб чиқаришнинг сам
олигига, меҳнаткашларин
одий тарбиялашнинг аҳволи
либий таъсир қўрсатмоқда.

Партия XXIV съездининг қар
ларини амалга ошириш юзасид
кадрларнинг, кенг меҳнаткаш
оммасининг иқодий активлиги
ривожлантиришга уларга иқти
дий билим бериш ва уларни тар
биялашга латта аҳамият бери
КСС Марказий Комитети иқти
фойдош республиналар Компар
тиялари Марказий Комитетларин
ўлка, область партия комитетлари
га, ВЦСПСга, ВЛКСМ Маркази
Комитетига, министрликлар ва
идораларга, партия таъсилотлари
да ҳамда қорхоналар, бирамша
лар, совхоз ва колхозларнинг ра
барларига ҳаққ ҳўналгинин
ҳаҳма тармоқлардаги кадрлар
инженерлар, техниклар, мутах
силсига, ишчи ва колхозчилар

(Давоми - 2-бетда).

МАМЛАКАТЛАР

ОДАМЛАР

ВОКЕАЛАР

- МАЛИЛИКЛАР СОВЕТ ВРАЧИДАН МИННАТДОР
- ВЕНГРИЯДА ҲОВЛИ ТҮЙЛАРИ
- ҚАРДОШ АРМИЯЛАРНИНГ ЖАНГОВАР ҲАМКОРЛИГИ

- АГРАР РЕФОРМАНИНГ ИЖОВИЙ САМАРАЛАРИ
- АМЕРИКА ОЛИМИНИНГ ЭЪТИРОФИ
- ЧЕТ ЭЛЛАРДА СИНФИЙ КУРАШ



ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. Яқинда Бешчабда янги учувчилик мактаби очилди. Мактабга спорт клубларининг аъзолари амалий машғулотлар ўтказиш учун келишди. Суратда: янги учувчилик мактабидида амалий машғулот пайди.

МТИ — ТАСС фотоси.

АПН • ТАСС • АПН • ТАСС

ДУНЁ ОВОЗИ

Чет эл хабарлари

ТЕЛЕТАЙП ЛВТАСИДАН

КОЛЛЕКТИВ
ТАЖРИВА
ХАЗИНАСИ

БЕРЛИН

○ **ГЕРМАНИЯ** Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сисей Юросининг аъзоси, Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг раиси В. Штоф Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг «Айи-хайт» журналида бо- силган мақола-сида Узаро иқтисодий ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳамкорлигини янада чуқур- лаштириш ва тақомил- лаштириш ҳамда улар- нинг социалистик иқти- содий интеграциясини ривожлантириш ком- лекс программасига ба- ҳо бериб, бу программа «Узаро иқтисодий ёр- дам кенгашига аъзо бўлган барча мамла- катлар коллектив та- жрибасининг хазинаси- дир» деди.

ФЕРМАЛАР НОРОЗИ

ВАШИНГТОН

○ **ПРЕЗИДЕНТ** Никсон ўзининг иқтисо- дий сиёсатини ўтқа- зишда фермерларнинг бу сиёсатни қўллаб- қувватлашларига эри- шилмади. Оқ уйда АҚШ фермер таш- килотларининг раҳбар- лари билан учрашди. Бироқ бу учрашув пре- зидент кутган натижа- ни бермаганидан кўри- ниб турибди. Фермер ташкилотларининг раҳ- барлари четдан келти- рилган моллардан 10 процент ошқича со- лиқ солиш тўғрисида яқинда жорий қилинган тадбирдан норози экан- ликларини президентга айтишди. Улар, агар АҚШ шу солиқни бе- кор қилмаса, бошқа мамлакатлар бунга жа- вобан чора кўрадилар.

ВДРДАГИ УРУШ — ЖИНОЯТ

НЬЮ-ЙОРК

○ **АМЕРИКАЛИК** олим Дэниел Элсберг, АҚШнинг Хинди-Хи- тойдаги агрессия план- ларини фойда қилувчи Пентагоннинг махфий ҳужжатларини эълон қилиш учун газеталар- га топшириб, тўғри иш қилганми, деб яна ўқ- дириб ўтди. Олим Нью- Йоркдаги социал тад- қиқотлар мактабиде та- шқириб, бундай деди: шу ҳужжатларни ўқиб чиққангидан кейин, Ўшамданги урушнинг фақат хато деб ҳисоб- ламасдан, шу билан бирга жиноят деб ҳисоб- ламасдан, шу билан бирга жиноят деб ҳисоб- ламасдан, шу билан бирга жиноят деб ҳисоб- ламасдан.

МАЖБУРИЙ ЧОРА БОГОТА

○ **КОЛУМБИЯДА** очилган тоқати-тоқ бўлган 160 нафар деҳ- қонлар оиласи Уяла департаментиде бир не- ча помешчикларнинг ерларини босиб олди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишча қараганда, ҳу- куमत ер ислоҳоти ўт- казишдан ва ерни иш- лаётганларга беришдан бош тортганлиги саба- би деҳқонлар маю шу чорани кўришга маж- бур бўлганлар.

400 МИНГ ЯНГИ КВАРТИРА

ВЕНГРИЯДА уй-жой ку- рилиши программаси му- ваффақиятли баъарила- моқда. Бу йил 15 ми- нгдан ортиқ янги оиласи ҳозиргача янги квар- тираларга кўчиб кирди. Бу- ўтган йилнинг шу даври- га нисбатан тўртдан бир хисса кўпдир. Эндигина бошланган тўртинчи Венгрия беш йиллик мобайнида мам- лакатда 400 миң янги квартира қурилади.



ЭРОН

○ **СУНГГИ** йилларда Эрон ҳукумати савод- сизликка қарши жиддий кураш олиб бормоқда. Мамлакатда «маириф корпуслари» деб номлан- ган муассасалар ташкил этилди. Корпуслар ур- та мактабларни битириб чиққан ёшлар ҳисоби- га ташкил қилинмоқда. Суратда: янги мактаб- лардан бирида дарс пайти.

Кейстон — ТАСС фотоси.

ФРАНЦИЯ

○ **АҚШ** президентининг «Долларни химоя қилиш тadbирлари» эълон қилиниши натижа- сида Ғарбий дунёни валюта савасаси қамраб олди. Франция ҳукумати шу муносабат билан баёнот эълон қилиб, француз Франкининг рас- мий олтин паритетини тасдиқ этди. Суратда: Париж биржасида. Тахтга: «Чет эл валютаси ўтмайди» деб ёзиб қўйилган.

АФП — ТАСС фотоси.



Совет кишиси чет элда

Агар кимда ким баҳорда, Ғарбий Африка бўйлаб саяҳат қилган бўлса, ёнинг бу фасли- да бу ўлканинг йўлларидадан юриш нақадар маънақатли эканлигини ўз кўзи билан кўр- ган. Бир неча соат йўл юргани- нгидан кейин нийҳат Мали- нинг Кая шаҳри чеккасида чиқди. Шу тонда икки қўл- туз муздек сув билан, салқин хо- нада 10 минутча дам олсанг, нийҳатда ҳузур қилган бўлар- динг. Бизнинг ана шу фикри- мизни баланд бўйли хушчақ- чақ малилик шофер Ласана гўё пайқадн шеклиди, кўтла- маганда деди:

— Мана ҳозир ўнга бурили- шини билан госпиталь қарши- сидан чиқамиз. У ерда, доктор Слава ҳузурида муздек сув ичиб, бир дам хордн қишқир- ш мумкин.

— Доктор Слава? — ҳайрон бўлиб сўрадик ҳамоҳиқимиздан.

— Сиз доктор Славани бил- майсизми? — таажжубланиб сўради Ласана, ва шу заҳоти тушунтирди: у ахир сизлар- нинг одамингиз. Совет Итти- фидан, рус-ку. Уни ҳар бир

ДОКТОР СЛАВА

малилик яхши билади, — кулиб давом этди Ласана.

Биз совет врачн рентгенолог Вячеслав Прохорович Калаш- ников билан биринчи бор сирт- дан ана шундай танишдик. Вя- чеслав Калашников тобора ри- вож топаётган ёш Мали рес- публикасида миллий соғлиқни сақлаш ишларини йўлга қўйиш- да кўмаклашаётган кўнгилли совет медицина ходимларидан биридир.

Калашников 36 ёшда. Бу му- тахассис катта медицина таж- рибасига эга. Район касалхона- си участка врачидан област бoш радиолог даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди.

У малилик ҳаммасблари иш- лари ҳақида баёнқилди қизи- қиб ҳикоя қилиб берди.

— Шундай, воқеа бўлган эди. Каядан 7 километр нарида заводиёдик бор. Кунларнинг бирида уша томондан 30 ёш- лар чамасидаги малилик бир йиғинли олиб келишди. Унинг қорни ёрилган эди. Олиб ке- танлар йиғинли шер «тимдала- ди» дейишди. Госпиталигиз бош врачн хирург Мухамед Су-

маре анча очилиб кетган қорни- ни жуда усталлик билан «тик- ди». Еки бошқа бир ҳодисани олиб кўрайлик. Темир йўлда руй берган бахтсиз ҳодисадан кейин госпиталигизга бадангига жуда ўткир темир кириб кет- ган бир пассажирни олиб ке- лишди. Беморнинг ўлкаси ва юраги ҳам шикастланган, лекин у яшарди. Бундай ҳодиса жуда камдан-кам учрайди. Зудлик билан операция қилиш лозим эди. Хирурглар Суларе билан Денбеле жуда усталлик билан операция қилишди. Беморнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Вячеслав Прохорович ўзи ҳа- қида жуда кам гапирарди.

— Бу ерга кўчишиб ҳам қолдим. Асли ўзим Симферо- полданман.

У юзлагн маржон терларни арди-да, сўзини давом эттир- ди:

— Қримда ҳам иссиқ бўла- ди, лекин бу ерда у ердангига қараганда бироз «иссиқроқ». Салқин жойда дельсин бўйича плас 52.

Ўшқини алақим оҳиста та- қиллатди: «Доктор Слава бор-

милар?». Калашников биздан узр сўраб ташқарига чиқди. Бе- морларни қабул қилиш вақти аллақачон тугаган, лекин ким- гадир зудлик билан ёрдам бе- риш зарур бўлиб қолгандир деган фикрни ҳаёдан ўтқа- зди.

Лекин келгилар беморлар эмас, балки спортчилар экан. Маълум бўлишча, троник ис- сикликка қарамай, Вячеслав Калашников ишдан бўш пайт- ларида тренерлик ҳам қилар экан. У маҳаллий баскетбол командасини раёбатдаги мусо- бақаларга тайёрлаётган экан. Калашников 17 ёшда баскет- бол бўйича спорт мастери бўл- ган. Украина терма командаси сафида ўйнаган. Малилик ҳаваскор баскетболчилар ушдан кўп нарсаларни ўрганишлари мумкин.

— Кая госпиталида, — деб ҳикоя қилиб берди бизга губе- рнатор капитан Данфага, — ик- ки совет врачн ишлайди. Бу- лар — рентгенолог В. И. Ка- лашников ва хирург Ю. М. Полосе. Бу икки киши бизга маҳаллий медицина қарларни

тайёрлашда жуда катта ёрдам беришмоқда. Ўз тажрибалари- ни, билимларини ёшларга ўргатишмоқда. Республикада врач- лар етишмайди, шунинг учун ҳар икки доктор иш кўнуда жуда кўлаб беморларни қа- бул қилишди. Улар жуда кўлаб кичик медицина ходимлари тайёрлашди. Совет Иттифоди- да таълим олаётган бизнинг булажак шифокорларимиз улар кўлида муваффақиятли практи- ка ўтказишди.

... В. П. Калашников биздан иккинчи учрашувимиз шу йил- нинг август ойида Бамакода содир бўлди. У ҳозиргина Ва- танидан, отпускдан қайтб, республика пойтахтидан 15 километр узоқликда бўлган Кати шаҳар госпиталига янги иш жойига жўнашга ҳозирлик кўраётган экан.

Машинамиз Бамаконинг тор кўчаларидан оҳиста юриб бора- лити. Чорраҳада бир мотоцикл минган йиғит бизга яқинлашди, хурсанд овозда қичқирди:

— Доктор Слава! Ассалому алайкум! Ишлар қалай?

— Ҳа, Сисоко! Сенимсан! Ахволларинг яхшимми? Оёгинг қалай? Оғримайптими?

— Ҳаммаси жойида, доктор. Катта раҳмат!

Ю. ВЕРЕШАГИН, АПН.

МЕХНАТ ВА КАПИТАЛ

○ **НЬЮ-ЙОРК**. Ҳукуматнинг иш ҳақи устидан уч ой мобай- нда контроль ўрнатиб даврида иш ташламаслик ва ишга қайтиб келиш тўғрисидаги даъватига қарамай, Америка ме- хнатшарларининг кўп отрядлари иш ташловчилар сафида қол- моқдалар ва уларнинг ҳаётий ҳуқуқларига қилинаётган ҳужумга зарба бермоқдалар. Американинг ғарбий соҳилидаги докерлар, Нью-Йоркдаги алоқа ходимлари, Урта ғарбдаги мис эритиш саноатининг ишчилари, Питсбург кўч автомаши- наларининг ҳайдовчилари, ва бошқа меҳнатшарлар иш таш- ладилар.

○ **ЛОНДОН**. Англиянинг марказий районларидаги автомо- бил заводлари (бу заводларда 25 миңдан ортиқ киши иш- ламоқда) ишчилари қимматчилик ажи олиб бораётганлиги са- бабли иш ҳақининг оширилиши учун кураш олиб бормоқда- лар. Бристоль авиация заводларининг 13 миңдан ортиқ иш- чиси иш ташлади. Улар ишчиларнинг кўлаб ишдан бўшати- лишига қарши ва ҳукуматнинг ҳамда корхона эгаларининг ишчилар турмуш даражасига ҳужум қилаётганлигига қарши норозилик билдирмоқдалар.

○ **НАЙРОБИ**. Порт-Лудан олинган хабарларга қараганда, Маэрикида иш ҳақининг оширилиши ва меҳнат шaroити- нинг яхшиланишини талаб этаётган меҳнатшарларнинг забастовка ҳаракати кенгайиб бормоқда. Орел эконоикисининг не- гизи бўлган қанд-шакар тайёрловчи уч заводда маҳсулот иш- лаб чиқариш тўхтаб қолди. Иш ҳақиға кўшимча равишда 30 процент ҳақ тўланишини ва пенсияларнинг оширилишини талаб этаётган порт хизматчилари курашин давом эттирмоқ- далар.

○ **БОГОТА**. Колумбия пойтахтидаги бошланғич мактаб ўқи- тушчиларининг қарийб бир ой давом этган забастовкаси тўла галаба билан тамом бўлди. Мазмуурлар иш ташловчиларнинг иш ҳақини ошириш, меҳнат шaroитини яхшилаш тўғриси- даги, шунингдек ишдан бўшатишдан 19 ўқитувчини қайтадан ишга олиш тўғрисидаги талабларини қондиришга мажбур бўл- дилар.

(ТАСС).

ПОЛЬША

○ **ПОЛЯК** олимлари бугдйнинг янги сортларини топишда катта муваффақиятлар- га эришдилар. «Грана» деб номланган буг- дй нави бошқа навларга қараганда бир му- ча серхосен бўлиб чиқди. Польша Халқ Рес- публикасида ҳозирги вақтда шу навдан бугдй экилган ерлар жами экни майдонла- рининг 16 процентдан ортироғини ташкил этади. Ушунинг давлат ҳўжалигида янги на- ви бугдйдан, айниқса, юқори ҳосил Ийгиб олиномоқда. Суратда: давлат ҳўжалигида ўрн-йиғини пайти. ЦАФ—ТАСС фотоси.

ДАВЛАТ ФЕРМАЛАРИ

Сурияда аграр реформа ўтқа- зилган пайтда помешчикларнинг ярим миллиондан ортиқ ери тор- тиб олинди. Ерсиз деҳқонларга унинг бир қисми бўлиб берилди. Қолганга эса давлат фондига ўтқа- зилди. Ана шу ерлар ҳисобига давлат фермалари ташкил этила- тир. Ҳозирги пайтда шундай фер- малардан мамлакатда 30 таси бўлиб қолди, ундан кўнқитаси Дамашк районида жойлашган.

Мен Фуад Ходили директор бўлган ферма тўғрисида ҳикоя қи- либ бермоқчиман. У Дамашк чек- касида, қуюқ дарахтзорлар ораси- да жойлашган. Ҳўжалик учча кат- та ҳам эмас. Доимий ишчилар бу ерда кам, лекин ғалла урим-йи- гинида мавсумий ишчилар елла- ниб, ёрдамга келадилар. Ферма 60 гектар майдонни эгаллаган бў- либ, Баради дарёсининг суви би- лан сугорилди. Ишнинг кўпчи- лик қисми механизациялаштирил- ган. Бу ерда яшиқ ишлаб чиқара- диган устакхона ва мевани қайта ишлаш цехлари бор.

— Бу йил, — деб ҳикоя қила- ди, ферма директорининг ўринбо- сари Аҳмад Нух, — шарқ ширин- ликларидан бири — камридиди ишлаб чиқаришга киришдик. У туршакдан тайёрланади. Бу мева- ни саноатлашган тартибда ишлаб чиқариш борасидаги биринчи ҳа- ракатимиздир. Ўзимизнинг ва бош- қа фермаларда йиғилаётган мева- лардан 80 тонна камридиди тайер- ладик. Бу даромадимизнинг анча кўтариллишига ёрдам берди.

Олма, нашват, ўрик, гилос, олхўри, узум ва бошқа мевалар етиштириш — Дамашк яқинидаги деҳқонларнинг ота касби. Ҳозир эса бугдй, пахта ва бошқа эни- ларни ҳам аяламиз. Келуси йил- дан бошлаб эса чорвачилик билан шугулланмоқчимиз. Ферманинг нарийоғида сут заводи ҳам бор. Бу биз учун жуда қулай. Ишона- мизки, чорвачилик даромадини кес- кин оширади...

Биз Аҳмад Нух билан ферма- нинг мулкларини айланиб чиқдик. Унинг чор атрофи мевазор. Ҳо- синдан бош эгган дарахтзорлар оралиги салқин, ташқарида эса ҳарорат 38 даража иссиқ. Сув шар- риллаб оқиб ётибди, боғ ичи тар- тилиб, озода.

— Бу ерларнинг собиқ эгаси, — дейди Аҳмад Нух, — яқин а- трофда яшайди. Унга ер участкаси реформада кўрсатилган нормада берилган. Бу ерда давлат ферма- си ташкил этилганидан у норозн бўлди. Ишмиз ўнгидан келмай-

А. ОГОРОДНИКОВ, АПН махсус мухбири. ДАМАШК.

ТИНЧЛИК МАШҚЛАРИ

○ **БЕРЛИН**. АДН агентлиги ха- бар бериб: Германия Демократик Республикасининг шимолида Гер- маниядаги совет қўшинлари груп- паси, поляк қўшини ва ГДР мил- лий халқ армияси штаблари ва қў- шилма гуруҳларининг биргаликда ўтказиладиган машқлари бошлан- ди. Германия Демократик Респу- бликасининг миллий мудофаа ми- нистри армия генерали Гейн Гоф- ман маневрларга раҳбарлик қил- моқда. Биргаликда ўтказиляётган ана шу машқлар иттифоқчи қуро- ли кучларнинг ўзаро ҳаракати ме- тодларини янада тақомиллашти- риш, уларнинг жанговарлик қоби- лиятини оширишга ва қуролдошлар қардошлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

МАРКАЗИЙ РАЗВЕДКА БОШҚАРМАСИ ЛАОСДА

ВАШИНГТОН

○ **АМЕРИКА** қўшма Штат- ларининг марказий разведка бошқармаси кўп йиллардан бери Америка империа- лизмининг ЛАОСА қарши олиб бо- раётган «махфий уруш»да жуда актив роль ўйнамоқда. Марказий разведка бошқармасининг раҳбар- лари остида ва унинг маблагга би- лан ҳозирги вақтда «монументал» қўшни деган нибой остида кам де- ганда 30 миң елланган солдатлар ЛАОСнинг ватанларвар кучларига қарши уруш ҳаракатларини олиб бормоқдалар.

Қуроли кучлар иши билан шу- гулланувчи сенат комиссиясининг ёпиқ мажлиси стенограммасидан олиниб эълон қилинган маълумот- лар буни кўрсатиб турибди. Шу мажлисда АҚШнинг ЛАОСдаги эл- чиси М. Голди сўзга чиниб бу мам- лакатда марказий разведка бош- қармасининг операциялари 1962 йилдаёқ бошланганлигини эътироф қилди.

АПН • ТАСС • АПН • ТАСС • АПН • ТАСС

○ **АРГЕНТИНА** сулоли етиштириш 3 НИНГ иқтисодий ҳаё- процент камайди, са- то- тда пасайиш руй бер- ат маҳсулотининг ўсиш моқда. Ярим йил ичиде суръатлари пасайди. қишлоқ ҳўжалик маҳ- Бунинг натижасида

БУЭНОС-АЙРЕС

тўлов балансининг де-долларга етди ва шу қилинган Аргентина фицити дастлабки 7 ой илнинг ўзидеги 25 пессига хавф солмоқ ичиде 73,6 миллион процент девальвация да.

«Кронста комерс» таъминлаш эҳтйеги аль» газетасининг ёпиқ мажлисида эмас, бал- лашга қараганда, им- ла аввало спекуляция лортнинг қўпайганлиги найрангларни натижаси- саноатни хомашё билан да руй берди.

